

КЕШ ВОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК ТОПОГРАФИЯСИ

Саидазимхон Амонов

Я.Ғуломов номидаги Самарқанд

археология институти таянч докторанти

azimxononov2@gmail.com

Аннотация. Ҳозирги Кеш воҳаси ва унинг тарихий топографик хариталарини яратиш, ҳудуднинг қадимий кўриниши ва ҳозирги кундаги ҳолатларини таҳлил қилиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Қадимий Кеш Қашқадарё воҳасининг асосий шаҳарларидан бири ҳисобланиб пойтахт мақомига ҳам ега бўлган. Кеш воҳаси таркибига кирувчи ҳозирги кундаги ҳудудлар яъни Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш ва Ғузор туманлари тарихан ушбу воҳанинг ажралмас бир бўлаги сифатида мавжуд бўлган. Ушбу ҳудудларда одамлар қадимги даврдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Об-ҳавоси қуруқ, тоғли ҳудудларида эса йўгингарчилик яхши бўлган.

Калит сўзлар: Кеш, маъмурий тузилиш, воҳа, иқлим, топография, манбалар

Жанубий Суғд ҳозирги Қашқадарё водийсида жойлашган бўлиб, тарихан иккита қисмга бўлинган. Хусусан, шарқий қисми Қашқадарёнинг юқори ва қисман қуйи қисми, ғарбий Қашқадарёнинг қуйи қисмини қамраб олган. Улар ўртасидаги чегара тахминан Ғузор атрофида бўлинган.

Турли даврларда Ксениппа, Нахшаб номлари билан аталган Ғарбий ҳудуд тарихан Бухоро Суғди, Наутака, Кеш номлари билан аталган Шарқий ҳудуд эса Самарқанд Суғди билан яқин алоқада бўлган. Тадқиқотчиларнинг қайд қилишича Шарқий Суғд Қашқадарё вилоятининг Ғузор, Деҳқонобод, Қамаш, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, ва Яккабоғ, ғарбий Суғд эса Қарши, Косон, Касби Муборак, Нишон, Миришкор туманлари ҳудудида жойлашган. Ушбу бўлиниш ҳудуднинг тоғ, тоғ олди ва текислик ҳудудлари тупроқ, рельеф, ички сувлари ҳамда агроиқлимий ресурслар (иқлим, намлик, ҳарорат) ҳолати билан бевосита боғлиқ. Айнан шу омил ҳудудий ихтисослашувни белгилаб беради.

Хусусан, ҳозирги кунда Қашқадарё воҳаси ёки Жанубий Суғд 3та йирик табиий географик район – Қарши (қуйи), Ғузор (ўрта) ва Китоб-Шаҳрисабз

(юқори) районлари ажратилган¹. Агрогеографик жиҳатдан ҳам Қашқадарё Юқори, Ўрта ва Қуйи районларга ажратилган².

Ғузур ва Китоб-Шаҳрисабз районлари бевосита Шарқий ҳудуд билан боғлиқ ҳисобланади. Китоб-Шаҳрисабз текисликлар ва Қоратепа, Чақилқалон ва Ҳисор тоғларининг текисликка туташган ёнбағирларидан ташкил топган. Энг паст ери Китоб-Шаҳрисабз ботиғи бўлиб, уни шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон Қашқадарё кесиб ўтган. Район жанубий Суғднинг йилликда ёғин миқдорининг кўплиги (500 мм), қишининг юмшоқлиги, серсувлиги билан ажралиб туради. Географик нуқтаи назардан тоғ олдитекисликлари ландшафтларидан баланд тоғ ландшафтларигача 6 та ландшафт хили ажратилган³. Шу билан бирга ҳудуд ҳозирги кунда боғдорчилик, донли экинлар етиштириш, шунингдек, тоғ яйлов чорвачилигига ихтисослашган.

Ғузур райони Ғузурдарё ҳавзасидаги Ҳисор тоғи тармоқларининг шимоли-ғарбий ёнбағирларини ва тоғ олди қирларини ўз ичига олади. Ҳудуднинг мутлақ баландлиги 524 м дан Оқработ довоида 1800 м гача, айрим тоғ тепаларида 2538 м гача боради. Район округда термик ресурсларга бойлиги (мусбат ҳароартлар йиғиндиси тоғ олдида 48000-53000), ёзда ҳаво ҳароратининг юқорилиги (+29,50 +28,50, энг юқори ҳарорат +470), қишининг юмшоқлиги (январнинг ўртача ҳаво ҳарорати +0,50, +20), вегетация тўхтамайдиغان илиқ қишларнинг кўплиги (65-80 %) билан ажарлиб туради. Район Китоб-Шаҳрисабз районига нисбатан қурғоқчил, йилик ёғин миқдори тоғ олдида 250-300 мм атрофидадир. Ландшафтлари баландликка кўтарилган сари ўзгариб боради ва ҳар бир баландлик минтақасида ўзига хос 5 та ландшафт хили шаклланган. Ушбу ҳудуд Қашқадарё юқори оқимидан фарқли равишда асосан лалмикор деҳқончилик ҳамда тоғ яйлов чорвачилигига ихтисослашган.

Ғарбий ҳудудни эгаллаган қуйи ёки Қарши воҳаси ҳудуди деярли текис бўлиб, Зарафшон тоғларининг ғарбий тармоқларидан оқиб тушган сой ҳамда Қашқадарё ёйилмаларидан 8 хил ландшафтга ажратилади. Таҳлилларни кўрсатишича, агрогеографик районларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришида текислик зонасининг салоҳияти катта деб ҳисобланади⁴.

Ҳақиқатдан ҳам айнан Кеш ва Нахшаб ҳудудларининг ўзига хослиги буерда деҳқончилик манзилгоҳларининг шаклланишига замин яратади. Ш.

¹ Ярашев Қ.С. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларини ландшафт-экологик районлаштириш масалалари // Conference: «GEOGRAPHY SCIENCE AND DIGITAL ECONOMY: PROBLEM AND PROSPECTS» materials of the International scientific and practical conference At: s. Namangan, (12-13th October, 2023).44-48 бб.

² Турсунов Л., Бобонов Р., Вакилов А., Юсупов С. Қашқадарё ҳавзаси ҳудуди тупроқлари. Тошкент. Турон-Иқбол, 2008. 248 б.; Навотова Д.И. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги географияси ва уни карталаштиришнинг баъзи масалалари // "Экономика и социум" №3(94) 2022

³ Навотова Д.И. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги географияси ва уни карталаштиришнинг баъзи масалалари // "Экономика и социум" №3(94) 2022

⁴ Навотова Д.И. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги географияси ва уни карталаштиришнинг баъзи масалалари // "Экономика и социум" №3(94) 2022

Камолиддининг қайд этишича асримиз бошларида ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти этник жараёнлар - шимолдан кўчиб келган кўчманчи ҳалқларнинг жойлашувига ҳам ўз таъсирини кўрсатади⁵. Ушбу қабилалар аксарият ҳолларда Қашқадарёнинг ўрта ва қуйи оқимларига келиб жойлашади⁶. Юқори Қашқадарё эса серҳосил замин ва сувга бой ирмоқларидан иборат бўлиб, ўтроқ деҳқончилик кенг тараққий этган.

Антик ва илк ўрта асрларда Наутака-Кеш пойтахти Зарафшон тоғ тизмаси тоғ олди ҳудудларида, Китоб туманидаги Узунқир ёдгорлиги ўрнида жойлашган. Қарийб 70 га майдонни эгаллаган шаҳар милоддан аввалги VIII – VII асрларда шаклланган⁷.

Кейинчалик, милодан аввалги асрларда шаҳар жанубга, ҳозирги Китоб шаҳридаги Қаландартепа ўрнига кўчади. Сусе номланувчи ушбу шаҳар антик ва илк ўрта асрлардаги Кешнинг марказига айланади. Шаҳарнинг умумий майдони 40 га, арки 1 га майдонни қамраб олган. Шамсиддин Камолиддининг фикрича ушбу бўлиниш Кешнинг илк ўрта асрлардаги бўлинишини қайтарган⁸.

Ўрта аср манбаларида Кеш ҳудуди X асрда 16 та рустоқга бўлинган.

Ибн Ҳавқал бўйича улар қуйидагилардир:

1-Миён Кеш

2-Руд

3-Балондарин

4-Росмоин

5-Кашк

6-Ару

7-Бузможан

8-Сийом (ёки Синам)

9-Арғон

10-Харуда ёки Джадруд

11-Хузорруд

12-Хузор

13-Сурруда

14-Ички Санкарда

15-Ташқи Санкарда

⁵ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. Ташкент, 1996. С.13

⁶ Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений // Общественные науки в Узбекистане, 1989, № 12. С. 41;.

⁷ Ртвеладзе Э.В. Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Ташкент, 1987. С. 50

⁸ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. Ташкент, 1996. С.13

16-Маймурғ⁹

1. Мийон Кеш рустоқи. В.В.Бартольд Мийон Кеш рустоқини Кеш шаҳри атрофини ўраб турган ҳудудлар билан локализация қилади¹⁰. Яъни, ушбу рустоқ ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида бўлиб, бевосита Кеш ҳудудининг ҳам маркази бўлган.

2. Руд рустоқи. Ш.С.Камолиддинов ушбу рустоқни Кешнинг жанубий дарвозаси яқинидан оқиб ўтувчи Оқсувдарёнинг юқори оқимида жойлаштиради. Шу билан бирга у 1546 йилда тузилган вақф ҳужжатларини таҳлил қилиб Танҳоздарё водийсида жойлашган ерлар ҳам ушбу рустоқ таркибига киритилган бўлиши мумкинлигини қайд этади¹¹.

3. Балондарин рустоқи. Балондарин рустоқи А. Раимкулов томонидан Кашкруд рустоқининг жанубига, Қашқадарёнинг чап ирмоқларидан бири Жиннидарё водийсига жойлаштирилади. Бунга асос қилиб у дарё бўйида жойлашган Паландара қишлоғининг номи Балондарин рустоқининг бизнинг кунларгача етиб келган номи эканлиги билан асослайди. Рустоқнинг марказини эса Катлас қишлоғи яқинида Шаҳри Кишт деб аталувчи йирик ёдгорлик билан қиёслайди¹².

4. Росмоин рустоқи. Аниқ локализацияга эга эмас. А. Раимкулов томонидан Ару ва Арғон рустоқлари сингари Кеш шаҳрининг ғарбий қисмида, ҳозирги Чироқчи тумани жойлашган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади¹³.

5. Кашк рустоқи. Бу рустоқини В.В.Бартольд Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлаштиради¹⁴.

6. Ару рустоқи. Аниқ локализацияга эга эмас.

7. Бузмажан рустоқи.

Рустоқ Ш. Камалидинов ва А. Раимкулов томонидан Самарқанд вилоятининг Булунғур, қисман Жомбой ва Жиззах вилоятининг Бахмал тумани ҳудудини ўз ичига олган Бузмажон рустоқи билан қиёсланади.

8. Сийом, Синам рустоқи. Сийом ёки Синам рустоқи аниқ локализацияга эмас. А. Раимкулов Сийом рустоқнинг жойлашган ўрни Оқсув, Танҳоз,

⁹ Ибн Ҳавқал. Сурат ал-ард. Ернинг сурати / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2011. С. 66

¹⁰ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра, т. I, М., 1963.189

¹¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. Ташкент, 1996. С.25.

¹² Раимкулов Абдисабур Аззамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 18-19

¹³ Раимкулов Абдисабур Аззамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 18-19

¹⁴ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра, т. I, М., 1963.138; Бартольд В.В. Сочинения. Т. III. Работы по исторической географии. М., 1965. С.206

Қизилдарё ва Тирнасой дарёлари бош олган тоғли худудларда жойлашган, деган фикрни илгари суради.

9- **Арғон рустоқи.** Аниқ локализацияга эга эмас.

10- **Жажруд рустоқи.** В.В.Бартольднинг фикрича, Жажруд рустоқи Кешдан 1 фарсах масофа шимолда, Уйзел ёки Китобдарё номи билан аталадиган дарё бўйида жойлашган. А. Раимкулов эса Қайнар, Совукбулоқ, Қангли қишлоқлари жойлашган Қайнар дарёси водийсига жойлаштириб, рустоқнинг марказини ёдгорлиги билан локализация қилади.

11- **Хузорруд рустоқи.** Кичик Ўрадарё ёки Ғузордарёнинг юқори оқимида жойлаштирилади. А. Раимкулов фикрича ҳозирги Ғузор туманининг тоғли худудлари ва Деҳқонобод тумани худудида жойлашган ва Темир дарвозагача етиб борган. Хузорруд рустоқи ғарбда ва жануби-ғарбда Хузор рустоқи билан, шимолда Ички Санккарда шимоли-шарқда эса Ташқи Санккарда рустоқи билан чегараланган. Бу рустоқнинг маркази Суғддан Чағониёнга борувчи халқаро йўл устида, ҳозирги Оқрабат қишлоғида жойлашган Дидаки қишлоғи (Қўрғонтепа ва Юпорлитепа) билан қиёсланади.

12- **Хузор рустоқи.** Хузор рустоқи ҳозирги Ғузор ва Қамаш туманларининг текисликдаги худудларини эгаллаган бўлиб, унинг шимолий чегаралари ҳозирги Чимқўрғон сув омбори, Қорабоғдарё ўзани билан чегараланган бўлса, ғарбий чегаралари Қашқадарёгача, шарқий қисми эса Ҳисор тоғларининг ғарбий адирлари худудигача, Ғузордарёнинг тоғдан очиқ водийга чиқиши жойигача давом этган. Жанубий қисми эса Амударёгача чўзилган¹⁵.

13- **Сурруда рустоқи.** Қашқадарё ўзинининг Кешдан юқори шимоли-шарқий қисмидаги тоғли ва тоғолди худуд Асруд ёки Сурруда деб аталган. Унча катта бўлмаган Сурруда рустоқи А. Раимкулов томонидан Зарафшон тизмаларининг жанубий қисмидаги тоғли ва тоғолди худудлари билан қиёсланади.

14- **Ички Санккардак.** Ҳисор тоғларидан бош олувчи Сангардак дарёси Сурхондарё воҳасига қараб оққанлиги учун учун мутахассислар Ички Санккарда ва Ташқи Санккарда рустоқларини ҳозирги Сурхондарё вилояти худудига жойлаштиришади. А. Раимкулов эса Ички Санккардани Сурхон воҳасига қараб оқувчи Сангардак, Қашқадарё воҳасига қараб оқувчи Лангардарё ва Катта Ўрадарё, Тирнасой каби дарёлар бош олувчи худудга, ҳозирги Дўконхона, Оққишлоқ, Эгрисув, Қарангкўл ва бошқа қишлоқлар жойлашган кенг тоғли водийга жойлаштиради.

15- **Ташқи Сангардак.** Ҳозирги Сурхондарё вилояти худудига, Бойсун туманидаги Сангардак дарёси водийси билан боғланади.

¹⁵ Раимкулов Абдисабур Азамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 19

16-Маймурғ рустоқи. Ш.С.Камолиддинов ушбу рустоқни Насаф худудидаги Маймурғ билан қиёслайди. А. Раимкулов эса Моймурғ рустоқини Самарқанддаги ҳозирги Ургут ва Тайлоқ туманлари худудини ўз ичига олган ва Кешга жуда яқин масофада жойлашган Самарқанд Маймурғи билан локализация қилади¹⁶.

Ибн Ҳавқал томонидан қайд этилган 16 рустоқдан 12 таси (А. Раимкулов бўйича 13 расм) Қашқадарё водийсида жойлашган. Бу борада Ш. Камолиддин Кеш *рустоқлари* ичида Насаф, Самарқанд ва Чағониён вилоятларидаги ерлар ҳам қайд этилганлигини қуйидагича изоҳлайди. Ибн Ҳавқал асарида исломдан олдинги Кеш вилоятининг маъмурий бўлиниши акс этган. У даврда Кеш хукмдорлари кучли бўлиб, бир вақтлар хатто бутун Суғд устидан хукмронлик қилганлар, Кеш вилоятининг худудлари эса бутун Қашқадарё водийси ва ундан ташқаридаги айрим ерларни ҳам ўз ичига олган. VIII асрда Кеш аҳолиси арабларга қарши Муқанна бошчилигида кўтарилган кўзғолонда фаол қатнашгани учун Араб халифалиги даврида Кеш таназзулга юз тутиб, бу ҳол Сомонийлар даврида ҳам давом этди. Натижада XII асрга келиб, Кеш вилояти маъмурий жихатдан жуда ҳам кичик худудни эгаллаган ва илгари Кешга қарашли бўлган кўп шаҳар ва қишлоқлар Насаф, Самарқанд ва Чағонийон худудларига киритилган¹⁷.

Бундан ташқари бошқа ёзма манбаларда яна бир қатор рустоқларни номлари келтириладики, бу ҳолат рустоқларни сони анча кўп бўлганлигидан далолат беради.

Кашкруд ёки Хушкруд рустоқи. В.В.Бартольднинг фикрига кўра, ушбу рустоқ Қизилдарё (Яккабоғдарё) водийсида, дарёнинг текисликдаги худудларида жойлашган ва у Кешдан 1 фарсаҳ масофада узоқликда бўлган¹⁸. А. Раимкулов эса рустоқни Кеш- Китобдан 7,5 км масофада жойлашган Танҳоздарё водийсининг текислик қисмига жойлаштиради. Буни эса Қизилдарё Кеш (Китоб)дан анча узоқда, 20-21 км, тахминан 3 фарсаҳ масофада жойлашганлиги билан изоҳлайди¹⁹.

Ал-Мурғоб рустоқи. Араб тарихчиси ат-Табарий Кеш ва Самарқанд оралиғида жойлашган ал-Мурғоб рустоқи тўғрисида хабар беради. А. Раимкулов

¹⁶ Раимкулов Абдисабур Аззамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 19

¹⁷ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. Ташкент, 1996. С.214

¹⁸ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра, т. I, М., 1963.188;

¹⁹ Раимкулов Абдисабур Аззамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 19

ушбу рустокни ҳозирги Қалқама дарёси ва унга келиб қуйилган сойлар водийларига жойлаштиради²⁰.

Таъкидлаш жоизки, Кешнинг ўрта аср рустоклари аксариятини марказлари йирик шаҳарлар бўлиб, одатда улар сув манбаи бошлари, дарё ва сойларнинг бўлиниш қисмларида жойлашгиб, атрофдаги бошқа кичик шаҳар ва қишлоқларни назорат қилган. Шу билан бирга шаҳарлари бўлмаган рустоклар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг маъмурий марказларини йирик қишлоқ ёки деҳқонлар кўрғонлари бажарган. Умуман олганда, Кешнинг маъмурий бўлиниши биринчи навбатда табиий географик бўлиниш асосида амалга оширилган бўлиб, бу борада дарё, сойлар муҳим ўрин эгаллаган. Рустокларни географик чегарасини аниқлаш, уларнинг маркази ва унга тобеъ бўлган кичик мулклар доирасини аниқлаш ҳозирги кунда Кеш антропоген ландшафтини ёритиш имконини беради. Бунда ёзма манбаларни археологик ва ГИС маълумотларни билан таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

²⁰ Раимқулов Абдисабур Аззамович. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси 07.00.06 – Археология (тарих фанлари) Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. С. 19